

ДУОСИ МУСТАЖОБ АЁЛЛАР

*(Алишер Навоийнинг
«Насойимул муҳаббат»
асаридан ибратли ҳикоятлар)*



ДУОСИ МУСТАЖОБ АЁЛЛАР

**Алишер Навоийнинг
«Насойим ул муҳаббат»
асаридан ибратли ҳикоятлар**

**«Qamar Media» нашриёти
Тошкент – 2021**

УДК 28:821.512.133-31
КБК 86.38
С 22

Дуоси мустажоб аёллар (Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан ибратли ҳикоятлар). Нашрга тайёрловчилар: И.Сайдуллаев, А.Тилавов. – Т.: «Qamar Media», 2021. – 48 б.

Филология фанлари доктори, профессор
Шухрат Сирожиддинов умумий таҳрири остида

Ҳозирги ўзбек тилида табдил
қилувчи ва изоҳлар муаллифлари:
Иброҳимжон Сайдуллаев, Абдумурод Тилавов

Тақризчи:

Дилнавоз Юсупова, филология фанлари доктори

Муҳаррир:

Абдулла Улуғов, филология фанлари номзоди

Мазкур китоб сўз мулкининг султони, мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридаги олимпиа, орифа, обида аёлларнинг юксак ахлоқ-одоби, маънавияти хусусидаги ҳикоятлардир.

Ушбу ҳикоятлардан кенг китобхонлар жамоатчилиги баҳраманд бўлишини истаб, Ҳазрат Навоий услубини сақлаган ҳолда, уларни ҳозирги ўзбек тилига мослаштиришга интилдик ҳамда мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, уларга сарлавҳалар қўйдик.

Шунингдек, китобга шоирнинг ҳикматли байтлари содда насрий баёни билан илова қилинди.

Улуғ бобомизнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлинг, азиз ўқувчи.

ISBN 978-9943-7622-4-4

© «Qamar Media», 2021

ҲАҚИҚИЙ САЛОМАТЛИК

(Робиаи Адавия розийаллоҳу анҳо)

Басра аҳлидан эди. Суфён Саврий розийаллоҳу анҳу ундан шаръий масалалар сўрар ва унинг маърузаларига ва дуосига ихлосманд эди.

Бир куни Суфён Саврий Робиа қуддиса сирруху хузурига кирди ва илтижо қилиб, ҳожат тилаган каби қўл кўтариб дедики: «Аллоҳумма инний асьялукас-саломата – Аллоҳим, Сендан саломатлик сўрайман».

Робиа йиғлай бошлади Суфён сўрадики:

– Не учун йиғлайсан?

Робиа деди:

– Ҳақиқий саломатлик дунёни тарк этишдир. Сен эса дунёга олудасан (боғланиб қолгансан).

Робианинг сўзининг маъноси шундайдурки, ҳар нарсанинг самараси ва натижаси бўлади ва маърифатнинг самараси эса Тангри таолога юзланмоқликдур.

Ва яна дебдурки: «Астағфируллоҳа мин қиллати сидқий истағфируллоҳ –

Озгина ишонч билан «астағфируллоҳ» демоқликдан астағфируллоҳ дейман».

Суфён ундан сўрадики:

– Банда Аллоҳу таолога қурбат (яқинлик) топиш учун қиладиган амаллардан қайси бири яхшироқдир?

Робиа деди:

«Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Аллоҳдан ўзгани севмаслик».